

## Маҳалла ёшлари билан ишлаш

Президентимиз тамонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус ҳамда 2021 йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистонда ҳар бир маҳаллага “Бир зиёли – бир маҳаллага маънавий ҳомий” тамойили асосида, институт ва Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида жойлашган “Мирзакалон Исмоилий” маҳалласи раиси Халимова Машҳура Махаматовна, маҳалла ёшлари ва фаоллари билан билан ҳамкорликда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида институтнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, техника фанлари доктори, профессор Султанов Тохиржон Зокирович, “Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия” таъминоти факультети декани техника фанлари доктори, профессор Исаков Абдусаид Жалилович, институт ёшлар иттифоқи етакчиси Расулов Даврон, Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳиби Акбаров Дилмурод, “Электротехнологиялар ва электр жиҳозларидан фойдаланиш” кафедраси мудирини, техника фанлари номзоди, доцент Бердишев Абдурахим Сулайманович ва кафедра профессор-ўқитувчилари ҳамкорлигида суҳбат бўлиб ўтди.



Суҳбатда профессор Султанов Тохиржон Зокирович бугунги дунё манзараларида ёшларимизнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ эканини замоннинг ўзи кўрсатиб турганлиги ва Президентимиз томонидан ёшларимизга турли ҳил имкониятлар берилаётганликлари тўғрисида айтиб ўтди. Шу билан биргаликда институт томонидан маҳалладаги барча ёшларга турли хилдаги тўғарақлар жумладан, инглиз тили, шеърят ва электромонтёрлик каби касб- хунарга барча ёшларни таклиф қилишди.



Маҳалла ёшлари билан суҳбат қизғин бўлиб ўтди. Абдусаид Исаков, Абдурахим Бердишев институт томонидан ташкил этилган турли хил тўғарақлар ва спорт тадбирлар режалари билан маҳалла ёшларини таништириб ўтишди. Бундан ташқари институт ёшлар иттифоқи етакчиси Расулов Даврон, Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳиби Акбаров Дилмурод ва Мирзакалон Исмоилийнинг набираси Ипак йули Халқаро туризм университети 1-босқич магистранти Нодирова Камолалар ўзларининг эришган ютуқлари ва ёшларга тавсияларини бериб ўтишди.

**ЭТВаЭЖФ кафедраси мудирини доцентини Ў.Халиқназаров ахбороти**

**ТИҚХММИ матбуот хизмати**